

FUNDAMENTAL TADQIQOTLAR JURNALI

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ИСАЕВА Дилноза Замировна
 Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон
 туманлараро судининг
 судьяси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14620404>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ БОШҚАЛАР БИЛАН БИРГА ТЕНГ ШАРОИТЛАРДА ЯШАШИ УЧУН БАРЧА ИМКОНИАТЛАР ЯРАТИЛГАН

АННОТАЦИЯ

Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўради.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратади, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашади, уларга зарур бўлган ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминлайди.

Калит сўзлар: ногиронлиги бўлган шахслар, қонун, ижтимоий ёрдам, ҳимояга, жамият, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаёт, тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш, шароитлар яратиш, ҳуқуқ ва эркинлик, соғлиқни сақлаш, таълим, ишга жойлашиш, ахборот ва алоқа воситаларидан фойдаланиш, кафолатлари, чора-тадбирлар, таъминлаш, ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, идоралараро кенгаш, вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, нодавлат нотажорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, мурожаат қилиш ҳуқуқи, ҳуқуқларни тиклаш.

В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН СОЗДАНЫ ВСЕ ВОЗМОЖНОСТИ ДЛЯ ТОГО, ЧТОБЫ ИНВАЛИДЫ МОГЛИ ЖИТЬ ВМЕСТЕ С ДРУГИМИ ЛЮДЬМИ В РАВНЫХ УСЛОВИЯХ

АННОТАЦИЯ

Права нетрудоспособных и одиноких престарелых, лиц с инвалидностью и других социально уязвимых категорий населения находятся под защитой государства.

Государство принимает меры, направленные на повышение качества жизни социально уязвимых категорий населения, создание им условий для полноценного участия в общественной и государственной жизни и расширение их возможностей самостоятельно обеспечивать свои базовые жизненные потребности.

Государство создает условия для полноценного доступа лиц с инвалидностью к объектам и услугам социальной, экономической и культурной сфер, содействует их трудоустройству, получению образования, обеспечивает возможность беспрепятственного получения необходимой им информации.

Ключевые слова: лица с инвалидностью, закон, социальная помощь, защита, общество, политическая, экономическая, общественная жизнь, равное, полное и эффективное участие, создание условий, права и свободы, здравоохранение, образование, занятость, использование информации и средств коммуникации, гарантии, меры, обеспечение, органы исполнительной власти, местные органы государственной власти, межведомственный совет, министерства, ведомства, организации, некоммерческие организации, общественные объединения, право на обжалование, восстановление.

IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN, ALL OPPORTUNITIES ARE CREATED FOR PERSONS WITH DISABILITIES TO LIVE TOGETHER WITH OTHERS IN EQUAL CONDITIONS

ANNOTATION

The rights of incapacitated and lonely elderly persons, persons with disabilities and other socially vulnerable categories of the population shall be protected by the state.

The State shall take the measures to improve the quality of life of vulnerable categories of the population and to enable them to fully participate in social and public life and to enhance their ability to provide for their basic necessities of life independently.

The State shall create the conditions for full access of persons with disabilities to objects and services of the social, economic and cultural spheres, and promote their employment and education, and shall ensure the opportunity to obtain the necessary information without hindrance.

Keywords: persons with disabilities, law, social assistance, protection, society, political, economic, public life, equal, full and effective participation, creation of conditions, rights and freedoms, health care, education, employment, use of information and means of communication, guarantees, measures, provision, executive authorities, local government authorities, interdepartmental council, ministries, departments, organizations, non-profit organizations, public associations, the right to appeal, restoration.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида белгиланишича, меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўради.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратади, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашади, уларга зарур бўлган ахборотни тўқинликсиз олиш имкониятини таъминлайди [1].

Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи махсус ҳужжат 2020 йил 22 июлда қабул қилинган "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонун ҳисобланади.

Мазкур Қонунда ногиронлиги бўлган шахсга қуйидагича таъриф берилган: **ногиронлиги бўлган шахс** - ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, аклий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс.

Ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланишича, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишдаги имкониятлар тенглиги улар учун объектлар ҳамда хизматлардан, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалардан, соғлиқни сақлашдан, таълимдан, ишга жойлашишдан, шунингдек ахборотдан ва алоқа воситаларидан фойдаланиш кафолатларини яратишга ҳамда улардан тенг равишда фойдаланиш имкониятларини беришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан таъминланади.

Қонун талабларига мувофиқ, Республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ижросини таъминлайдилар.

Ушбу Қонуннинг 15-моддасида белгиланишича, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ушбу Қонуннинг қоидалари бажарилишини таъминлашга қаратилган келишилган саъй-ҳаракатларни ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш ташкил этилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш таркибига ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш ўз ваколатига қирадиган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар вакиллари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари вакиллари киритилади.

Ушбу Қонуннинг 16-моддасида белгиланишича, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари:

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир фаолиятни амалга ошириш чоғида давлатдан ва белгиланган тартибда халқаро ташкилотлардан ҳуқуқий, услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши;

- ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда, шунингдек тегишли тадбирларни молиялаштиришда иштирок этиши;

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг бошқа фуқаролар билан тенг равишда бинолардан, иншоотлардан, транспортдан, ахборотдан ва алоқа воситаларидан, шу жумладан ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда тизимларидан, шунингдек бошқа объектлардан ва аҳолига кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишда иштирок этиши мумкин;

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Мазкур Қонунда кўрсатиб ўтилган ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларидан бири **-мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳисобланади.** 28-моддада белгиланишича, ногиронлиги бўлган шахслар давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига яқка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқаётганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари талабларига риоя этиши, ушбу мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун чоралар кўриши, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланишини ҳамда уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ногиронлиги бўлган шахсларнинг мурожаатлар (аризалар, шикоятлар, таклифлар) билан кириши учун қуйидагилар воситасида зарур шарт-шароитлар яратиши шарт:

- шахслараро мулоқот воситаси сифатида имо-ишора тилини эътироф этиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек уни ривожлантириш ҳамда жамият ва давлат ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларида қўллаш чораларини кўриш;

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ҳолларда сурдотаржима хизматларини кўрсатиш;

- ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ўз мурожаатини имзолаш учун факсимил имзодан фойдаланиш.

Эшитиши ва нутқи бўйича ногиронлиги бўлган шахсларга:

- тергов ҳаракатларини амалга оширишда ёки жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича суд процессларида иштирок этиш чоғида;

- ҳужжатларни ёки битимларни нотариал тартибда расмийлаштиришда;

- автомобилни бошқариш кўникмаларига ёки компьютер саводхонлигига ўқиш чоғида;

- давлат хизматлари кўрсатиш чоғида сурдотаржимон хизматлари кўрсатилади.

Эшитиши ва нутқи бўйича ногиронлиги бўлган шахсларга сурдотаржимон хизматлари қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Давлат ҳар йили сурдотаржимонлар, сурдопедагоглар, дефектологлар ва логопедлар тайёрланишини таъминлайди.

Ушбу Қонуннинг 30¹-моддасида белгиланишича, давлат ногиронлиги бўлган шахслар учун бошқалар билан тенг равишда одил судловдан фойдаланиш имкониятини таъминлайди, шу жумладан суд процессининг барча босқичларида, шунингдек суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонунда белгиланган тартибда бевосита ёки билвосита иштирок этишини таъминлашга қаратилган чораларни кўради [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 февралдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги ПҚ-74-сонли Қарорининг 8-бандида белгиланишича, фуқароларга юридик ёрдам кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш, адвокатура соҳасини судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари фаолияти билан интеграция қилишни назарда тутувчи «Юридик ёрдам» ахборот тизими ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилиниши;

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг ихтиёрий бепул ёрдам олишларига (pro bono) кўмаклашиш учун «Юридик ёрдам» ахборот тизимида адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар фойдаланиши учун очик бўлган ногиронлиги бўлган шахсларнинг мурожаатлари бўлими яратилиши;

бунда:

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг ихтиёрий бепул юридик ёрдам (pro bono) олиш бўйича мурожаатлари «Юридик ёрдам» ахборот тизимига киритилиб ихтиёрий ёрдам кўрсатилиши учун адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар эътиборига етказилиши;

- ихтиёрий бепул юридик ёрдам кўрсатиш истагида бўлган адвокатлик тузилмалари ҳамда адвокатлар учун бундай ёрдам таклиф қилишнинг техник имконияти яратилиши;

- адвокатлик тузилмалари ва адвокатлардан улар кўрсатган ихтиёрий бепул юридик ёрдам (pro bono) тўғрисида ҳисобот талаб қилинмаслиги белгиланган [3].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг бошқалар билан бирга тенг шароитларда яшаши учун барча имкониятлар яратилган.

ИҚТИБОСЛАР. REFERENCES. СНОСКИ.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонуни
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 февралдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини